САЙЛОВГА БАҒИШЛАНГАН КЎРГАЗМА — 2-бет

«ОЙНАИ ЖАҲОН»ДА КЎРИНГ, ТОМОША ҚИЛИНГ — 3-4-5-бетлар

ЮЗМА-ЮЗ МУЛОҚОТ — 6-бет

ЙЎЛ НЕГА БЕРКИЛДИ? — 7-бет

ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 211 (10.264) / 2004 ЙИЛ 29 ОКТЯБРЬ

## Пойтахтнинг бир куни

**Янгиликлар, воқеалар**

### Қисқа сатрларда

● **ЭРТАГА** Акмал Икромов туманидаги Тошкент юридик коллежида туман хотин-қизлар қўмитаси, «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ҳамкорликларида Зулфия номидаги Давлат мукофотига номзодлар танлаш бўйича тадбир ўтказилади.

● **БЕКТЕМИР** туманидаги «Зилола» маҳалласида «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими томонидан уюштирилган тадбир «Миллатлараро тотувлик — тараққиёт омили» деб номланди.

● **ТОШКЕНТ** агротижорат коллежида «XXI асрга гиёванд моддаларсиз» мавзуида бўлиб ўтган тадбирда ўқитувчилар ва талабалар иштирок этишди.

● **БУГУН** Маннон Уйғур номидаги Тошкент Давлат санъат институтида иқтидорли қизлар ўртасида «Зулфияхоним қизлари» кўрик танловининг Яккасарой туман босқичи бўлиб ўтди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

*Бозор ва харидор*





**«TEZINTOM» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонаси жамоаси ўзининг сифатли, кўркам, рақобатбардош қурилиш маҳсулотлари билан нафақат республикамизда, балки Марказий Осиё давлатларида ҳам етакчилардан ҳисобланади.**

TEZINTOM

## МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЕТАКЧИ КОРХОНА

Қўшма корхонанинг 80 нафарга яқин малакали ишчи - хизматчилари ўн йилдан ортиқ вақтдан буён бунёдкор халқимизга манзур бўлаётган импорт ўрнини босувчи кўркам, чидамли, фойдаланишда қулай бўлган металл черепицаларни ишлаб чиқармоқда. Ушбу камалак ранглардаги полимер қопламали маҳсулотлар учун керакли бўлган турли аксессуарлар ҳам шу ернинг ўзида тайёрланади.



Жумладан, осма шифт, девор панеллари, қуйма металлдан эшик, дарвоза, панжара, қандил, торшер, бралар шарқоналик ҳамда замонавийлик уйғунлаштирилган ҳолда тайёрланади. Шу боисдан бўлса керак ҳар қандай нозиктаъб мижозни ҳам корхона маҳсулотлари ўзига мафтун қила олади. Бундан ташқари, ресторан, қаҳвахона, дўконларга мўлжалланган мебель ва турли жиҳозлар мижозларнинг хоҳиш-истакларига биноан тайёрланади.

9 ойлик кўрсаткичларга назар ташлайдиган бўлсак, корхона жамоаси 1 миллиард сўмликдан ортиқ маҳсулотлар ишлаб чиқарди. Замонавий техникалар шарофати билан жамоа аъзолари ўтган йили ишлаб чиқаришдан 26,3 миллион сўмлик соф фойда олишга эришди ҳамда уни корхонани ривожлантириш, ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоялашга сарфламоқда.

Корхона тадбиркорлари доимо изланишда, улар ички бозоримизни чуқур ўрганиш асносида йилдан-йилга янги маҳсулотлар яратмоқда.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА**

**СУРАТЛАРДА: «TEZINTOM» қўшма корхонаси фаолиятидан лавҳалар.**

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

● Кеча Тошкентда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Қозоғистон Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Россия Федерацияси, Тожикистон ва Ўзбекистон Республикалари вакиллари қатнашди.

● Ўзбекистон банклари ассоциациясида Марказий Осиёга Осиё Тараққиёт банки президенти Тодао Чинонинг ташрифи муносабати билан матбуот анжумани бўлиб ўтди.

● Чехиянинг мамлакатимиздаги элчихонасида Чехиянинг мустақиллик кунига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

● Осиё Тараққиёт банки ва «Тадбиркор аёл» уюшмасининг тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган ҳамкорликдаги лойиҳаси асосида Бухоро вилоятида икки йил ичида 600 нафардан зиёд аёл ўқув машғулотларида таҳсил олди.

● Қашқадарё вилояти телевидениеси кўрсатувлари мустақил канал орқали эфирга узатила бошланди. Шу муносабат билан ҳафталик теледастурлар ҳажми 47 соатга етди.

● Жиззах туманидаги Шўрбел қишлоғида «Меҳр ва мурувват» боғи барпо этилди. 7,5 гектарлик боққа 3 минг туп мевали дарахт кўчатлари ўтказилди.

● Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармасининг ёнғин хавфсизлиги бошқармасида ўт ўчирувчилар музейи очилди.

### Жаҳонда

● Шу йилнинг 9 октябрида Афғонистонда ўтказилган президентлик сайлови натижалари тўлиқ ҳисобланиб бўлинди. Тахмин қилинганидек, амалдаги Президент Ҳамид Карзай 55 фоиз овоз тўплаб ғолиб чиқди.

● 2005 йил 1 январдан бошлаб Туркиянинг миллий валютаси —лира янгиланади.

● Эрон ҳукумати жаҳон ҳамжамиятининг норозилигига сабаб бўлаётган уранни бойитиш бўйича ишларини тўхтатмаслигини яна бир бор таъкидлади.

● Ироқдаги ҳарбий ҳаракатлар даврида юз берган нефть қувурларини портлатиш билан боғлиқ қўпорувчиликлардан юзага келган зарар миқдори 7 миллиард долларга етди.

● Латвия парламенти жамоат жойларида чекишни тақиқлаш тўғрисидаги қонун лойиҳасини рад этди.

## КЕШ ЖАҲОН ПОЛВОНЛАРИНИ КУТМОҚДА



**Жорий йилнинг 30-31 октябрь кунлари Шаҳрисабз шаҳрида ёшлар ўртасида кураш бўйича бўладиган III Жаҳон биринчилиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун Амир Темур хотирасига бағишланган IV Халқаро турнир ҳамда белбоғ кураши бўйича I жаҳон чемпионати ташкилотчилари пойтахтимиздаги «Дедеман» меҳмонхонасида матбуот анжумани ўтказди. Унда Кураш халқаро ассоциацияси (КХА) раҳбарияти, КХА Ижроия қўмитаси аъзолари, Ўзбекистон кураш федерацияси вакиллари ва спортчилар иштирок этди.**

Ушбу мусобақалар Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон кураш федерацияси ва Қашқадарё вилояти ҳокимлиги томонидан Кураш халқаро ассоциацияси шафеълигида ўтказилмоқда.

Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида спортнинг барча турлари сингари курашни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда, деб таъкидлади КХА президенти Комил Юсупов матбуот анжуманида. Бундай эътиборнинг самараси ўлароқ, кураш халқаро миқёсда жадал ривожланмоқда. 1998 йил 6 сентябрда Кураш халқаро ассоциацияси ташкил этилди. Бугун 73 мамлакатнинг кураш федерацияси КХАга аъзо.

Осиё, Африка, Европа, Жанубий ва Шимолий Америка, Океания мамлакатларида кураш бўйича жаҳон ва қитъа чемпионатлари, нуфузли халқаро турнирлар мунтазам ўтказилмоқда. Кураш ватани — Ўзбекистон ҳам ҳар йили йирик мусобақаларга мезбонлик қиляпти.

Шаҳрисабзда ёшлар ўртасида III жаҳон чемпионати, Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун Амир Темур хотирасига бағишланган халқаро турнир ва белбоғ кураши бўйича I жаҳон чемпионатини юқори савияда ташкил этишга пухта тайёргарлик кўрилди.

Президент соврини учун Амир Темур хотирасига бағишланган илк мусобақа эса 1992 йили ташкил этилганди. Ҳар тўрт йилда ўтказилаётган бу турнир курашни оммалаштиришда муҳим роль ўйнамоқда.

Навбатдаги мусобақаларда иштирок этиш учун Шаҳрисабзга бешта қитъанинг қирққа яқин мамлакатидан ўнлаб полвонлар келди. Улар орасида Олимпиада ўйинлари, жаҳон ва қитъа чемпионатлари ғолиб ва совриндорларининг борлиги турнир нуфузини янада оширади.

— Мен болалигимдан дзюдо билан шуғулланаман,— деди Афина Олимпиадаси чемпиони, грециялик 18 ёшли Илиа Илиадис. — Курашни биринчи кўрганимдаёқ ёқтириб қолганман. Чунки ундаги усуллар менинг кураш услубимга жуда мос келар экан. Олимпиада беллашувларида гиламда кураш усулларидан ҳам кенг фойдаландим.

Натижада деярли барча рақибларимни ҳалол — иппон баҳоси билан енгдим. Олимпиададан сўнг Шаҳрисабзда бўладиган мусобақада қатнашишни кўнглимга тугиб қўйган эдим. Энди соҳибқирон Амир Темур юртида яна ўзимни кўрсатаман.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА мухбири**

*Обуна — 2005*

## «ОҚШОМ» ДОИМИЙ ҲАМРОҲИНГИЗ, ДИЛКАШ СУҲБАТДОШИНГИЗ

**Азиз оқшомхон! Маълумки, шу кунларда мамлакатимизнинг барча алоқа бўлимларида сиз севиб мутолаа қиладиган «Тошкент оқшоми» газетасига 2005 йил учун обуна қизғин давом этмоқда. Буни таҳририятимизга муштарийларимиздан келиб турган обуна билан боғлиқ хат-хабарлардан ҳам билса бўлади. Зеро, матбуотнинг қадрига етган, уни ҳаётининг ажралмас қисми, мазмуни деб билган, республикамизда ҳамда жаҳонда рўй бераётган янгиликлардан мунтазам хабардор бўлиб боришни истаган инсон учун обуна масаласида ҳеч қандай баҳона сабаб бўла олмайди.**

Албатта, қарс икки қўлдан чиқади. Қайсики, нашр мазмундор ва қизиқарли мақолалар билан ўқувчига манзур бўлса, унинг муштарийлари ҳам ўз-ўзидан ортиб боради. Мана шу ниятда барча газета ва журналлар қатори «Оқшом» таҳририяти ҳам ўз ихлосмандларининг таклиф ва истакларидан келиб чиқиб келгуси йилда газетани янада ўқимишлироқ қилиш мақсадида бир қатор режаларни белгилаб қўйди. 2005 йилдан бошлаб янги-янги рукнлар остида ранг-баранг мавзудаги мақолаларни ўз саҳифаларида ёритиб боради. Шундай экан, сизга ҳар доим энг яқин ҳамдам, ҳамфикр ва маслаҳатгўй бўлиб келган севимли нашрингизга обуна бўлишга шошилинг. Шундагина янги йилнинг биринчи кунидан бошлаб «Оқшом» хонадонингизга ўзи кириб боради. Бизнинг нашр кўрсаткичимиз — 563.

## Сўранг, жавоб берамиз

**Мен кўчада кетаётиб автоҳалокатга учрадим. Натижада қаттиқ тан жароҳати олиб касалхонада даволаниб чиқдим. Лекин мени уриб кетган машина эгаси эса ҳеч қандай жавобгарликка тортилмади. Менга моддий ва маънавий етказилган зарарни у тўлаши керак эмасми?**

**Д.Зуфаров, ишчи.**

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 999-моддасида теварак-атрофдагиларга хавф туғдирадиган фаолият туфайли етказилган зарар учун жавобгарлик белгиланган бўлиб, унга кўра, транспорт воситаларининг эгалари етказган зиённи, агар зарар жабрланувчининг қасддан қилган ҳаракати оқибатида юзага келганини исботлай олмасалар, тўлашлари шарт. Ушбу қонун талабларидан келиб чиқиб, сиз кўрган зарарларингизни зарар етказган шахсдан ундиришни сўраб, судга мурожаат қилишингиз мумкин.

* * *

**Менинг яқин бир қўшним хизмат вақтида, техника хавфсизлиги қоидаларига амал қилинмаганлиги оқибатида ҳалок бўлди. Унинг оиласига иш жойидан қандай нафақа тўланади?**

**М.Рўзимов, ҳайдовчи.**

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 189-197-моддаларида ходимнинг соғлиғига шикаст етганлиги муносабати билан тўланиши лозим бўлган нафақалар белгиланган. Ушбу кодекснинг 194-моддасига кўра, ходимнинг вафоти муносабати билан бирйўла бериладиган нафақанинг миқдори марҳумнинг йиллик ўртача ойлик иш ҳақидан кам бўлмаслиги керак.

* * *

**Одам танасидаги энг кўп ҳаракатланадиган аъзо — бу қўл ва оёқлардир. Шунинг учун улар мунтазам парваришга муҳтож. Бу борада қандай маслаҳатларни берасиз?**

**А.Насимова, уй бекаси.**

Қўлни илиқ сув билан ювган маъқул, совуқ сувдан тери дағаллашади. Агар очиқ ҳавода узоқ вақт ишламоқчи бўлсангиз, ишдан аввал қўлларингизга вазелин ёки ёғли крем суриб олинг. Қўл териси ёрилишининг олдини олувчи воситалар — вазелин ва глицерин 50 грамм, 5 грамм нашатир спирти, 50 грамм сув аралашмаси терига яхши фойда беради.

Оёқлардаги қаварган жойларни кетказиш қийинроқ. Бунинг учун ҳар куни эрталаб ва кечқурун иссиқ ванна қилиш лозим. Агар қавариқ у қадар катта бўлмаса, бир неча иссиқ муолажадан сўнг кетади. Қавариқни 6-7 кун давомида пишган иссиқ пиёз билан кетказса бўлади. Ёки қирилган хом картошкадан, лимон пўстлоғидан фойдаланилса ҳам яхши натижа беради.

Оёқ терлаганида эса 5 фоизли формалин ва 2 фоизли йод настойкаси ёрдам беради. Бу аралашмалар билан оёқ бармоқлари артиб турилади.

**Ҳурматли ҳамшаҳарлар! Ўзингизни қизиқтирган барча масалалар бўйича 133-29-09 телефонига қўнғироқ қилсангиз, малакали мутахассислар ёрдамида саволларингизга батафсил жавоб беришга ҳаракат қиламиз. Мактуб ёзинг, қўнғироқ қилинг.**

---

*Сайловлар олдидан*

**26 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига ва маҳаллий Кенгашларга сайлов куни**

# ДЕПУТАТЛИККА НОМЗОДЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ

**Марказий сайлов комиссияси сиёсий партиялардан, сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан депутатликка номзодларни рўйхатга олиш учун ҳужжатларни қабул қилишни рўйхатга олиш муддати тугашига етти кун қолганида тўхтатади.**

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, депутатликка номзод этиб кўрсатилган шахсга рўйхатга олинганлик гувоҳномаси берилади.

Депутатликка номзодларни рўйхатга олиш сайловга 35 кун қолганида тугалланади.

Депутатликка номзодлар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинганидан кейин беш кунлик муддат ичида тегишли округ сайлов комиссияси рўйхатга олинганлик тўғрисидаги хабарни депутатликка номзоднинг фамилиясини, исми ва отасининг исмини, туғилган йилини, партияга мансублигини, эгаллаб турган лавозимини, иш ва яшаш жойини, шунингдек, уни депутатликка номзод этиб кўрсатган сиёсий партияни ёки сайловчилар ташаббускор гуруҳини кўрсатган ҳолда маҳаллий матбуотда эълон қилади.

**Сайловга тайёргарлик ва уни ўтказишдаги ошкоралик Қонунчилик палатаси сайловига тайёргарлик кўриш ва ўтказишни сайлов комиссиялари очиқ ва ошкора амалга оширадилар.**

Сайлов комиссиялари фуқароларни ўз ишларидан, сайлов округлари, участкалари тузилганлиги, сайлов комиссияларининг таркиби, уларнинг жойлашган ери ва иш вақтидан хабардор этадилар, сайловчиларнинг рўйхатлари, сайловда иштирок этаётган сиёсий партияларнинг рўйхати билан таништирадилар, қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар хусусидаги маълумотлар, овоз бериш ва сайлов якунларидан хабардор қиладилар.

Ўзбекистон Республикасининг оммавий ахборот воситалари сайловга тайёргарликнинг бориши ва сайлов қандай ўтаётганлигини ёритиб борадилар.

Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек, сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан, сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан биттадан кузатувчи, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар. Уларнинг ваколатлари тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган бўлиши керак.

Манфаатдор ташкилотлар, сайловчилар ташаббускор гуруҳлари ўз кузатувчилари тўғрисида Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссияларига сайловга камида ўн беш кун қолганида маълум қиладилар.

Округ сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланадиган намунадаги мандатни манфаатдор ташкилотдан, сайловчилар ташаббускор гуруҳидан ариза олинганидан кейин кузатувчига беш кун ичида беради.

**Зумрад ЙЎЛДОШЕВА,**
**Тошкент Давлат юридик институти ўқитувчиси.**

## САЙЛОВГА ОИД АДАБИЁТЛАР КЎРГАЗМАСИ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси Ёшлар ахборот марказида шу йилнинг 26 декабрь куни мамлакатимизда ўтадиган муҳим сиёсий воқеа — парламент ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар сайловига бағишланган китоблар кўргазмаси очилди.

«Икки палатали парламент сари» мавзуидаги ушбу кўргазмада қонунчилик, сайловга оид сиёсий адабиёт, плакатлар ва бошқа материаллар билан танишиш мумкин.

**ЎзА**

---



СУРАТДА: дарсдан сўнг қизғин суҳбат.

**Бахтиёр Содиқов олган сурат.**

*Қарор ва ижро*

# ТАДБИРКОРЛАРГА ЯНА БИР ҚУЛАЙЛИК

**Куни кеча Давлат мулки қўмитасининг шаҳар бошқармасида бошқарма ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 июлдаги «Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиботини соддалаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг шаҳардаги ижроси юзасидан йиғилиш ўтказилди.**

Мазкур тадбирда ушбу қарор моҳиятини тадбиркорларга етказиш, унинг талабларини тушунтириш юзасидан Давлат санитария назорати маркази бош шифокори ўринбосари Анвар Мелибоев сўз олиб, жумладан шундай деди:

— Бу қарорнинг амалдаги ижроси юртимиздаги кичик бизнес вакиллари ва хусусий тадбиркорларга ҳукуматимиз томонидан яратилган яна бир қулай имкониятдир. Чунки қарор кучга киргач, бир қатор афзалликлар кўзга яққол ташланди. Масалан, маҳсулотни сертификатлаш учун қарор амал қилгунга қадар 9 та идорага мурожаат қилинган бўлса, бугунги кунда тадбиркорлар ҳудудий ташкилот—сертификациялаштириш марказларига соддалаштирилган сертификатлаш жадвалига кўра бу ишни амалга оширадилар.

Тадбирда Республика Давлат мулки қўмитасининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бошқармаси, республика Сертификациялаштириш маркази, Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси, Аккредитация ва инспекцион назорат бошқармаси, Тошкент шаҳар Савдо-саноат палатаси, «Тадбиркор аёл» уюшмасининг шаҳар бўлими ва бошқа мутасадди ташкилотларнинг етакчи мутахассислари ҳамда тадбиркорлик субъектлари вакиллари қатнашдилар.

Эътиборли томони, тадбирда иштирок этган тадбиркорлар қарор юзасидан вужудга келган масалалар бўйича мутасадди ташкилотлар вакилларига саволлар билан мурожаат этдилар ва уларга қониқарли жавоблар олдилар.

**(Ўз мухбиримиз)**

*Анжуманлар*

# ДОЛЗАРБ МУАММОЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда гематология ва қон қуйиш илмий текшириш институти ҳамкорлигида ташкил этилган гематолог ва трансфузиологларнинг икки кунлик I съезди бўлиб ўтди. Унда, Россия Федерацияси, Қирғизистон, Тожикистон республикаларидан йирик олимлар, профессорлар ҳамда мамлакатимиздаги гематолог ва трансфузиологлар иштирок этишди.**

Съезд кун тартибига кўра хозирги замон тиббиёт фанининг энг муҳим масаларидан бири донорлик, қон хизмати ва қон касалликлари келиб чиқишининг олдини олиш, ундан сақланиш чораларини ўрганиш муаммоси атрофлича кўриб чиқилди. Шунингдек, маърузачилар қон препаратларини тайёрлаш ва даволаш мақсадида ишлатиш, камқонликни ўрганиш, унинг олдини олиш, ифлосланган қонни тозалаш, лейкозология фанининг долзарб муаммоларига тўхталиб ўтишди.

Тадбирда мустақиллик йиллари давомида гематология ва қон қуйиш илмий-текшириш институти томонидан амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилинди. Ўтган йиллар мобайнида мазкур институт Россия, АҚШ, Хитой, Словакия каби давлатлардаги гематология илмий текшириш институт ва марказлари билан узвий алоқалар боғланган. Жумладан, жорий йилнинг ёз ойларида бир гуруҳ ўзбек олимлари Гонконг шаҳрида бўлиб қайтишди.

Гематология ва қон қуйиш илмий-текшириш институтининг саъй-ҳаракатлари билан Осиё тикланиш ва тараққиёт банки томонидан 2005 йилда 9 миллион АҚШ доллар миқдорида кредит ажратиш режалаштирилган. Ушбу маблағ мазкур институтнинг вилоятларидаги бўлимлар учун замонавий, жаҳон стандартларига жавоб берадиган асбоб-ускуналарни сотиб олиш учун ишлатилади.

**Анвар ҲАЛИМОВ**

## БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ

**«Тошкент-Аэро» ихтисослаштирилган божхона комплекси ходимлари мамлакатимиз ҳудудидан ташқарига ноқонуний йўллар билан олиб чиқиб кетилмоқчи бўлинган катта миқдордаги валюта бойликларини тўхтатиб қолишди. Аслида бу шахслар қонунларимизда белгиланган талаблардан келиб чиқиб, иш тутишганида ўз манзилларига етиб боришларида ҳеч қандай тўсиқларга учрамаган бўлишарди.**

Била туриб қонунни четлаб ўтмоқ ниятида бўлган юртдошимиз Р.Абдиевнинг «Тошкент-Москва» 652-рейс билан учиб кетаётган вақтида ноқонуний қилмиши фош қилинди. Ушбу шахс шубҳа остига олиниб божхона назоратидан ўтказилганида, божхона баённомасида кўрсатилмаган ва божхона инспекторининг оғзаки сўрови пайтида божхона назоратига тақдим қилинмаган 7220 АҚШ доллари, 2760 Россия рубли ва 50 евро борлиги аниқланди.

Ушбу божхона комплексининг 1-сонли божхона пости ходимлари томонидан «Тошкент-Санкт-Петербург» йўналиши бўйича учиб кетаётган Ё.Асқарованинг ҳам найранглари пучга чиқарилди. У божхона назоратидан ўтиши чоғида божхона баённомасида кўрсатилмаган 121.400 Россия рублини кийиб юрган пайпоқлари орасида яширин равишда олиб ўтишга ҳаракат қилган вақтида тўхтатилди.

Яна бир ҳолатда 1-сонли божхона пости ходимлари ҳамда Контрабанда ва божхона қоидалари бузилишига қарши курашиш бўлими ходимларининг аниқлашларича, «Тошкент-Москва» йўналиши бўйича учиб кетаётган ҳамюртимиз Наталья Ли ҳам божхона назоратидан яширинча валюта бойлигини олиб ўтмоқчи бўлган экан. Ушбу шахсни шахсий кўрикдан ўтказиш натижасида ички кийимининг чўнтагига яширган ҳолда Т-6 божхона баённомасида кўрсатмасдан 2500 АҚШ долларини ноқонуний йўллар билан олиб чиқиб кетишга ҳаракат қилганлиги маълум бўлди. Ҳар қандай ноқонуний ҳаракат жазосиз қолмаслиги маълум. Ҳозирда ушбу ҳолат юзасидан суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

**Нурбек МУСТАФОЕВ**

*Обуна — 2005*






# МАҲАЛЛАЛАР ФАОЛЛАРИ ВА ЁШЛАР БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ МУЛОҚОТ

## «ОҚШОМ» ВА «МАҲАЛЛА» ГАЗЕТАЛАРИНИНГ ҲАМКОРЛИКДАГИ УЧРАШУВИ

**Газета, журналлар таҳририятлари ходимларининг муштарийлар билан учрашиб, юзма-юз мулоқотлар ўтказиши, халқ дилидаги фикр мулоҳазалар, таклифлар ва ечимини кутаётган муаммоларни матбуот саҳифаларига олиб чиқиши албатта фойдадан ҳоли эмас. Келаси йилга обуна қизғин давом этаётган, мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим воқеа — икки палатали парламентга сайловлар бошланиши арафасида «Оқшом» газеталари таҳририяти жойларда маҳаллалар аҳли, ёшлар, корхона ва ташкилотларнинг ишчи-ходимлари билан учрашувлар ўтказмоқда. Ана шундай юзма-юз мулоқотлардан бири куни кеча Ҳамза қурилиш касб-ҳунар коллежида бўлиб ўтди.**

Коллеж ўқувчилари, ён-атрофдаги Алишер Навоий, Гулистон маҳаллалари фаоллари иштирок этган мулоқот жуда қизиқарли, саволларга, ўринли фикрларга бой тарзда ўтди. Тадбирда «Маҳалла» газетасининг бош муҳаррири Чори Латипов ҳам иштирок этди. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, учрашув давомида нафақат газеталарнинг йўналиши, мазмун-моҳияти, янги йилдан режаланаётган янги саҳифа ва рукнлар, балки яқинлашиб келаётган икки палатали парламентга сайловлар, илк бор янгича йўналишда ўтказилаётган сайловларнинг ўзига хос жиҳатлари, икки палатали парламент афзалликлари хусусида ҳам батафсил сўз борди. Бинобарин, «Оқшом» газеталарининг бош муҳаррири Акмал Акромов ҳамда «Маҳалла» газетаси бош муҳаррири Чори Латипов муштарийларнинг саволларига жавоб қайтаришар экан, бўлғуси сайловлар тўғрисида ҳам атрофлича тўхталиб ўтишди. Қуйида бевосита мулоқотда берилган айрим саволларга жавобларни газетхонлар эътиборига ҳавола этамиз.





**«Янгиобод» маҳалласи оқсоқоли Хурсанали ХОЖААҲМЕДОВ:**

**— Депутатликка номзодлар кимлар томонидан, қандай йўл билан кўрсатилади?**

**Жавоб**: — Депутатликкка номзодлар барча бешта сиёсий партиялар ҳамда сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳлари томонидан кўрсатилади. Бунда ҳар бир сиёсий партия номзодларни ўрганиб, ўз конференциясида тасдиқлайди. Сиёсий партиялар партиясизларни ҳам номзод сифатида кўрсатиши мумкин.

**Зиёвиддин ФОЗИЛОВ, Ҳамза қурилиш касб-ҳунар коллежи талабаси:**

**— «Оқшом» газеталарининг мавзулари ва унда чоп этилаётган мақолалар олинадиган манбалар ҳамда улар кимлар томонидан тайёрланиши хусусида тўхталиб ўтсангиз.**

**Жавоб:** — «Оқшом» газеталари пойтахт ҳаётини тўлалигича ёритувчи ижтимоий-сиёсий нашр бўлганлиги сабабли унда шаҳарнинг барча жабҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотлар, янгиланишлар, шунингдек ечимини кутаётган муаммо ва камчиликлар иложи борича кенг қамровда қамраб олишга ҳаракат қилинади. Масалан, газеталар кундалик, яъни ҳафтасига беш мартадан чоп этилишини эътиборга олган ҳолда ҳар бир сонда маълум бир соҳа ютуқ-муаммоларига бағишланган қўш саҳифалар мунтазам бериб борилади. «Маҳалланг — ота-онанг», «Камолот», «Ватанпарвар», «Болалар спорти», «Бунёдкор», «Хатлар — ҳаёт ойнаси», «Шу азиз Ватан барчамизники», «Ижтимоий ҳимоя» каби саҳифалар шулар жумласидандир.

«Оқшом»нинг барча ижодий ходимлари саъй-ҳаракатлари, ҳар бир туманлардаги жамоатчи мухбирлар кўмагида газеталаримизни иложи борича сермазмун, ранг-баранг материалларга бой ва ўқимишли қилиш ҳаракатидамиз. Жамоатчи мухбирларимиз ижтимоий-иқтисодий мавзулар, спорт, адабиёт ва санъат, маънавият бўйича мақола, хабар, суҳбатлар тайёрлашиб бизга катта ёрдам беришмоқда. Бундан ташқари ЎзА, «Жаҳон», «Туркистон пресс» ахборот агентликларининг ҳам долзарб мавзудаги материалларидан фойдаланиб турамиз.

Сиз ёшлардан ҳам фаол бўлишни, ўқув муассасангиз, маҳаллангиз, ён-атрофда рўй бераётган янгиликларни ёзиб олиб келишингизни сўраймиз. Бу газеталаримизнинг янада ранг-баранг бўлишини таъминлайди.

**Алишер Навоий маҳалласи оқсоқоли Собир АБДУРАҲМОНОВ:**

**— Радио тўлқинларида бемаъни сўзлар кўп ишлатиладиган қўшиқлар кўпайиб кетди. Бу болалар тарбиясига ҳам салбий таъсир кўрсатяпти...**

**Жавоб**: — Матбуотниг кучи биринчи навбатда салбий ва ижобий ҳолатларни ўз саҳифаларига олиб чиқиб таҳлил этиш, камчиликларнинг тугатилиши йўлидаги саъй-ҳаракатларни амалга ошириш билан намоён бўлади. Албатта, адабиёт ва санъатнинг таъсир кучи катта. Фақат ундан ижобий хислатларни шакллантириш, маънавият ва маърифатни ошириш йўлида фойдаланилса, нур устига аъло нур бўлади. Ҳозирда хусусий радиолар кўпайиб кетганлиги сабабли барчасининг репертуарларини кузатиш мураккаб масала. Биз шоирларимиздан биринчи навбатда шеърларининг мазмун-моҳиятига эътибор қаратишларини сўрардик.

**Саидпошша МУНАВВАРОВА, «Гулистон» маҳалласи оқсоқолининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчиси:**

**— Газеталар киши билимини, маънавий-маърифий даражасини оширади. Албатта ҳаммамиз кундалик газеталарни ўқиб, янгиликлардан хабардор бўлишимиз керак. Бироқ айрим газеталарнинг нархи бироз юқори. Айтингчи газеталарнинг обуна нархлари қандай белгиланади?**

**Жавоб**: — Газеталарни чоп этувчи дастгоҳлар, қоғозлар — ҳаммаси харажат. Булар ҳам газеталарнинг обуна нархига таъсир кўрсатувчи омиллардир. Бундан ташқари газеталарни турли манзилларга тарқатиш учун улар қийматига қўшимча нарх белгиланади. Бинобарин, обунадан тушган пул ушбу харажатларнинг маълум бир қисмини қоплай олади. Шу сабабдан биз фақат обуна ҳисобига фаолият кўрсатмаймиз. Рекламалар орқали ҳам газета маблағ билан таъминлаб турилади.

Яна шуни ҳам айтиш керакки, таҳририятимиз баҳоли-қудрат айрим хайрия ва ҳомийлик ишларини ҳам амалга оширяпти. Жумладан, бу йил Ўзбекистон Каратэ миллий федерацияси билан биргаликда болалар ва ўсмирлар ўртасида Ўзбекистон Кубоги мусобақаларини ўтказишга ҳомийлик қилдик. Бу болалар спортини ривожлантиришга оз бўлса-да қўшган ҳиссамиз бўлди. Бундан ташқари шаҳримиздаги барча Меҳрибонлик уйлари ва мактаб-интернатларни келаси йил учун газеталаримизга бепул обуна қилдиряпмиз.

Биз коллеж маъмурияти ва талабаларни газетанинг тайёрланиши ҳамда босилиш жараёни билан бевосита танишиш ва бунинг қанчалик мураккаб жараён эканлиги ҳақида тасаввур ҳосил қилишлари учун таҳририятимизга таклиф этамиз.

**Инобат ШЕРМАТОВА, Алишер Навоий маҳалласи оқсоқоли маслаҳатчиси:**

**— «Оқшом»ни барчамиз севиб ўқиймиз. Унинг саҳифаларида тарбиявий йўналишдаги Ҳадиси-шарифлардан, инсонни эзгуликка чорлайдиган маърифий мавзулардаги мақолалар кўпроқ бериб борилса яна ҳам хурсанд бўлардик.**

**Жавоб:** — Албатта газеталаримизда маънавий-маърифий мавзулар, қадриятларимиз ва миллий урф-одамларимизга бағишланган мақолаларни мунтазам бериб боришга ҳаракат қиламиз. Бу борада «Оз-оз ўрганиб доно бўлур» рукни остида газетанинг ҳар бир сонида донишмандлар ҳикматларидан бериб борамиз. Янги тарихий асарлардан парчалар ҳам беряпмиз. Келаси йилдан бундай мавзулар доирасини янада кенгайтирмоқчимиз...

Тадбир сўнгида Ҳамза қурилиш касб-ҳунар коллежи маъмурияти ва талабаларга «Оқшом кутубхонаси» туркумида чоп этилган «Оз-оз ўрганиб доно бўлур» китобчалари совға қилинди.

**ТАҲРИРИЯТДАН: бевосита мулоқот чоғида мамлакатимиз сиёсий ҳаётидаги муҳим воқеа — икки палатали парламентга бўлғуси сайловлар, газеталарнинг 2005 йилга мўлжалланган янги рукн ва мавзулари, жамият ҳаётидаги воқеаларга ёндошишда албатта кенг жамоатчилик фикрига таяниши, қизиқарли таклиф ва фикр-мулоҳазалар билдирилди.**

**Бу муштарийлар билан юзма-юз мулоқотларнинг нақадар самарали эканлигини яна бир карра исботлади. Зеро, шундай учрашувлар давомида газетхонлар томонидан билдириладиган қимматли фикр-мулоҳазалар, ўринли таклифлар албатта таҳририят ижодий жамоаси томонидан эътиборга олинади. Бинобарин, келгусида маҳаллаларда, ишлаб чиқариш корхоналарида шу каби мулоқотларни уюштириш режалари тузиб олинди.**

Шарқ дурдоналари

## Ўз-ўз ўрганиш доно бўлур...

● ҲИКОЯТ. Бир подшо ўз мол-мулкининг кўплигидан фахрланиб, илм аҳлини менсимай қўйган, ўз ихтиёрича иш тутиб, фисқу фасод берилган эди. Бир куни у борига қаноат қилиб камтарлик йўлини тутган доно ҳакимга дуч келиб қолди ва унга:

— Эй ҳаким, нимани хоҳласанг тила, сўровингни муҳайё қиламан! — деди.

— Шундай қилгилки, ажал ҳеч қачон бошимга соя солмасин! — деди.

— Бу иш менинг қўлимдан келмайди, — деди подшо.

— Бўлмаса, — деди ҳаким, — қарилик мавсуми кетиб, ёшлик айёми қайтиб келсин!

— Бу иш ҳам қўлимдан келмайди! — деди подшо.

— Орамизда фарқ йўқ эканку, — деди ҳаким шунда, — мен қилолмайдиган ишни сен ҳам қилолмас экансан, аммо сенда мол-давлат кўп бўлгани учун кибр отига миниб, манманликка берилибсан. Мен эса топганимга қаноат қилиб, ҳеч кимга ялинмайман, демак мен ҳам ўзим учун подшоман!

● Барзув ал-ҳаким айтади:

— Агар сен ёлғончилик балосига дучор бўлмайин десанг ўзингга ростгўйлик хислатини шиор қил, нимаики айтсанг, айтган гапингга вафо қил, меҳнатга мубтало бўлмай десанг, меҳнат қилувчиларга раҳм кўзи билан боқ! Ҳасад дардига йўлиқмай десанг ўзгалар мол давлатга етса хурсанд бўл! Оқил кишиларга ёкмай қолишдан қўрқсанг ҳаё отига мин!

● Луқмони ҳаким ўз ўғлига деди:

— Эй ўғлим, ялқовлик кўчасига кирма, кўнглинг тор бўлмасин, чунки кимда ялқовлик ва бесабрлик бўлса у ҳеч қачон бахтга эриша олмайди.

● ҲИКМАТ: Дўст шундайки, суҳбатингни малол олмайди, узоқда юрсанг унутмайди, бойлик ва камбағалликда ўзгармайди. Ҳожатинг бўлса амалга ошириш учун жон-жаҳди билан киришади, яхшилигини миннат қилмайди, бирор ҳожати бўлса сендан яширмайди, аҳволини сир тутмайди, сенга қанча кўп яхшилик қилса уни шунча кам деб ҳисоблайди, сендан озгина яхшилик кўрса уни кўп дейди, барча ишда ўзини сенга ҳамнафас деб ҳис қилади.

Байт:

**Савдогар дилидан**
**меҳр излама,**
**Ҳар ким билан**
**қилар алоқа ҳар он,**
**Хуш овоз қушни кўр**
**ҳар бир лаҳзада,**
**Ўзга гул олдида**
**куйлар беармон.**
**Мард билан**
**дўстликнинг ипини боғла,**
**Номард билан**
**дўстлик қилма ҳеч қачон!**

● ҲИКМАТ. Бир ҳакимдан сўрадилар: «Қандай сафар энг узоқ сафар?» Жавоб берди: «Садоқатли дўстни қидириш сафари!» Байт:

**Қидирган нарсани**
**топиш мумкиндир,**
**Бироқ содиқ дўстни**
**топмоқ муаммо!**

# РАДИОЖУРНАЛИСТЛАР СЕМИНАРИ

**Тошкентда Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро жамоатчилик маркази ҳамда Германиянинг “Дойчи велли” радиоси академияси ҳамкорлигида Марказий Осиё мамлакатларида фаолият юритаётган давлат радиокомпаниялари ва нодавлат радиостанциялари журналистлари учун ўтказилаётган семинар ўз ишини якунлади.**

Семинар дастурига кўра Марказий Осиёнинг турли давлатларидан келган журналистлар республикамизнинг Жиззах, Самарқанд, Бухоро, Нукус, Хива ва Урганч шаҳарларида бўлишди. Улар жойларда Германия ҳукумати томонидан амалга оширилаётган лойиҳалар билан танишиб, шу асосида 1 соату 10 дақиқалик радиожурнал тайёрлашди.

Семинар ташкилотчиларидан бири, Германиянинг “Дойчи велли” радиоси академияси вакилларининг таъкидлашларича, мазкур семинарни ташкил этишдан мақсад Марказий Осиёдаги тўртта давлатдан келган ёш журналистларнинг касб маҳорати ва малакасини ошириш ҳамда Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни оммавий ахборот воситаларида ёритилишини таъминлашдан иборат эди.

Семинар якунида иштирокчиларга сертификат ҳамда радиожурналнинг электрон нусхаси топширилди. Семинар радиожурналистлар учун ўзаро ҳамкорликда иш юртиш имконини ҳам яратди.

**Инобат ЭГАМҚУЛОВА,**
**“Туркистон-пресс”**

ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН

# ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

## ЙЎЛ БЕРК, ОТАХОН

Кечки пайт телефон қўнғироғи жиринглаб қолди. Гўшакни кўтарсак Фарғонадан келган яқин биродаримиз Ҳикмат отанинг овози эшитилди. Омонлашиб бўлгач, у бизга кечки пайт Тошкентга келганини, уйимизнинг адресини аниқ билмагани учун ҳозирча вокзалдаги «Локомотив» меҳмонхонасидан қўним топганлигини айтиб қолди. Унинг қайси хонага жойлашганлигини сўраб-суриштиргач, тезда етиб боришимизни айтдик.

Меҳмон отангдан улуғ. Бизни қора тортиб узоқ йўл босиб келган қадрдонимизни меҳмонхонада қолдиришни эп билмай набирам Беҳзод билан тун қоронғусида машинада йўлга чиқдик. Троллейбус ва автобуслар қатновчи эски йўл билан (қаричилик қурсин, номи хаёлимдан кўтарилибди) бориб тўғри вокзал рўпарасидан чиқдик. Вокзал олди майдонига ўтайлик десак, «ўтиш йўли йўқ» белгиси қўйилган. Чор-ночор Туркистон кўчасига бурилдик. Бу қандай бўлди десам, набирам:

— Парво қилманг бобо, сал нарида яна битта бурилиш жойи бор. У қайтанга сиз айтган меҳмонхонага тўғри олиб чиқади, — деб мени тинчлантирди.

Троллейбусларнинг охирги бекатидан сал ўтиб ўнгга бурилмоқчи эдик, бетон тўсиқларга дуч келдик. Ўтиш йўли иккита катта бетон билан беркитиб қўйилибди. Набирам машинадан тушиб тепамизга осиб қўйилган йўл белгисини кўздан кечира туриб:

— Қизиқ бу ерга бурилиш йўли очиқ, деган белги қўйилган. Шундай бўлгач, нега йўлни беркитиб қўйишди экан, — деган гапни айтди. Шу ҳақда атрофда айланиб юрган йўл назоратчисидан сўрадик.

— Меҳмонхона томонга қандай ўтамиз биродар?

— Ўтолмайсиз, йўл берк, отахон.

— Унда машинани қаерга қўямиз?

— Машина қўйиш учун махсус жой йўқ. Агар иложликдан бўлса кўчанинг нариги томонига, йўл четига қўйишингиз мумкин.

Йўл назоратчисининг лоқайдлик билан берган жавобидан энсамиз қотди. «Ке қўй, машинамизни йўл чеккасига қўйиб кириб кетаверайлик», десам набирам «бу хавфли», деб кўнмади.

— Ўтиринг бобо, — деди набирам охири. — Нариги томон билан айланиб кўрайликчи.

Машинамиз билан Туркистон кўчаси бўйлаб чапга, Мовароуннаҳр кўчасига бурилдик. Ундан бироз юргач Нукус кўчасига қайрилдик. Фарғона йўлига ўтиб, катта кўприк ёнидаги тор кўчадан кичик Ҳалқа йўли томон кетдик. Йўл бошида яна бир чапга йўл йўқ деган белги осиб қўйилган экан. Лекин баъзи шошқич ҳайдовчилар унга қарамай ўнг томон транспорт йўлини кесиб чапга бурилиб кетишяпти, биз эса чап томон билан юриб, вокзал олди ер ости йўлига яқинлашдик. Ер ости йўли орқали ўтиб бораётган машиналар кўплигидан қоидани бузиб бўлсада у томонга ўтишнинг иложи бўлмади. Набирам машинани йўл чеккасига тўхтатиб сўраб-суриштириш учун ўша томон кетди. Бироздан сўнг қайтиб.

— Йўқ, йўл йўқ, бобо, — деди.

— Ҳов анави турна қатор турган машиналар қаердан кирибди бўлмаса у ерга, — сўрайман набирамдан.

— Йўл қоидасини бузиб киришган-да, нима қилай мен ҳам қоидани бузиб бўлсада амаллаб ўша томонга ўтиб олайми?

— Қўй бўтам, яхшиси машинани меҳмонхона рўпарасидаги йўл четида тўхтатиб, меҳмоннинг олдига ўтақоламиз, — дедим.

Шундай қилдик.

— Бинойидек хизмат қилиб турган йўлни беркитиб қўйиш нега керак бўлди экан бобо, — дейди набирам ҳайрон бўлиб, — ахир йўл чеккасида озмунча хизмат кўрсатиш нуқталари, меҳмонхона, почта биноси борми? У ерга иш юзасидан келган машиналар қандай қилиб ўтаркин, наҳот шуни ўйлашмаса? Мана шу иккита бетон тўсиқни олиб ташлашса олам гулистон, шу йўл орқали ҳаракат қилмоқчи бўлган ҳайдовчилар ҳеч қандай қоидабузарликка йўл қўймай бемалол кичик Ҳалқа йўлига чиқиб кетаверадилар.

— Ҳарқалай кирди-чиқди бу йўлни шундай қолдиришмаса керак, ниманидир ўйлаб, вақтинча тўсиб қўйишгандир-да. Ахир бу йўл чеккасидаги нуқталарга кирадиган машиналар ҳаволаб ўтмайди-ку бўтам. Ҳар доим уларни қоидабузарлик қилишларига йўл қўйишмаса керак, — дейман набирамга тасалли бериб.

## ТАЪМАГИРЛИК — ЁМОН ИЛЛАТ

Хушхулқ, юксак фазилатли инсонларни кўрсанг кўнглинг гул-гун яшнаб кетади. Бадфеъл, таъмагир ордамларни кўриб дилинг ранжийди. Уларнинг қилмишларидан азият чекасан. Маҳалламизда бир киши бор — кўринишидан, муомала ва тил забонда яхши одамга ўхшайди, аммо қўлидан бир пиёла чой ичсангиз, уни ўн пиёла қилиб қайтариб олишни истайди. Яқинда бир воқеа рўй берди. Уйимизга узоқ бир жойдан меҳмон келди. Қўшним ҳам чиқиб бироз гаплашиб ўтирган бўлди. Бир пайт меҳмонимни уйига таклиф қилиб, ҳол-жонига қўймай олиб чиқиб кетди. Зиёфатни қуюқ қилди. Дўстим қўшнимнинг одамийлиги, олижаноблиги, меҳмондўстлиги хусусида сўзлай бошлади. Мен бўлсам ичимда: «Эҳ нодон-ей, сени фалон жойда ишлайди деб хушомадгўйлик қилмоқда. Қўшним бурганинг кўзини кўрган, илоннинг оёғини санаган ахир. Ҳаммасини ҳали-замон найранг кутисининг оғзини очганда биласан», деб ўйладим. Дарҳақиқат, меҳмон кетиши олдидан:

— Ўғлимиз ўқишни тугатяпти. Шуни ишга жойлашда ёрдам қўлингизни чўзиб юборасизда, домла», — деб қолди қўшним. Шунда меҳмон:

— Мен сиз ўйлаганчалик институтда ишлайдиган олим эмасман, чорвадорман, — деган эди қўшним бўшашиб ўрнига ўтириб қолди. Дўстим ўз маконига қайтиб таъна-маломатдан қутилиб қолди, лекин ўша меҳмондорчилик азиятини мен чекдим.

Шунга ўхшаш бир ҳикоят: бир киши таъмагирликда тенги йўқ эди. Кунларнинг бирида уникига таниши келди. Олдига чой-нон қўйди-да, овқатга уннади. «Чой-нон билан жўнатсам унчалик фойда чиқмайди, ош қилсам ишимни битиради, ўғлимни кўнгилдагидек ишга жойлаштириб оламан», деб ўйлади у.

Меҳмон: «Бу менга бекордан - бекорга ош дамламаяпти. Бир балоси бўлмаса шудгорда қуйрук на қилур, деганларидек, бирон бир нарсани таъма қилиб ошга уннади», — деди-да ўрнидан кўзғалди. Ошнаси қанча қистамасин уйига жўнаб кетди. Таъмагир уйга кириб дастурхондаги шундай бир хатга кўзи тушди. «Ошна, ошинги ейманку, кейин сен бошимни есан, миннатли ошдан беминнат мушт яхши».

«Оббо, — дебди таъмагир хатни ўқигач, ошни таъма билан қилаётганимни сезиб қолибди-да, барибир чой-ноннинг ҳақини чиқариб оламан. Ахир чойни асал билан ичди-ку. Асал билан нон бекорга келадими?»

Кўрдингизми, таъма — баҳилликни, баҳиллик хасисликни туғдиради. Таъмагирлик билан яшаш ва таъмагир деб ном олишдан ёмон бахтсизлик йўқ. Бундай ярамас одатни ўзига юқтирмаслик, ундан ҳазар қилиб йироқ юришлик, бирон кишига ёрдам қўлини чўзганда ёки хайрли ишга қўл урганда бир-бирига одамийлик ва олижанобликни ўйлаш, чин қалбдан иш тутишликка нима етсин.

## АРОСАТДА ҚОЛГАН БИНО

Шаҳримизнинг Амир Темур кўчаси энг обод кўчалардан ҳисобланади. Йўллар текис ва равон. Кўчанинг икки чети бўйлаб кўп қаватли турар жой, маиший хизмат бинолари, меҳмонхоналар жойлашган. Агар сиз транспортда «Олой» бозори томонидан бора туриб «Д-2» бекатида тушсангиз, кўзингиз кўчанинг нариги томонида қурилаётган иккита бинога тушади. Ўша томон ўтиб тор кўча бўйлаб юринг, шунда оралиқда қолган чала бинога дуч келасиз. Бир неча йилдирки, яхши ниятлар билан бошланган бу кўп қаватли турар жой биноси аросатда ётибди. У қайси ташкилотга қарашли, қайси қурилиш бошқармаси бунёд этганлиги ҳозир ҳеч кимнинг эсида ҳам бўлмаса керак. Яқинда шу ердан ўта туриб атрофда истиқомат қилувчи оилалар билан суҳбатлашиб қолдик.

— Бу жой асли шу ерлик хонадонларга қарашли бўлиб, мевали дарахтларга бой эди. Қурилиш баҳона ҳосилга кирган дарахтлар кесиб ташланиб, бунёдкорлик ишига жадал киришилди. Қурувчиларнинг ғайрати билан тез кунларда мана шу бино қад кўтарди. Кейин қурилиш майдони бирдан сув қуйгандек жимиб қолди. Мана орадан 10 йиллар чамаси вақт ўтяптики, бу ерда ҳамон жимжитлик ҳукмрон. Бино олди кўриб турганингиздек ахлатхона. На бинонинг ҳолидан, на бу ерда пайдо бўлган ахлатхонадан ҳабар оладиган одам йўқ — деб нолишди суҳбатдошларимиз.

Тавба — деймиз ўзимизча, шаҳримизда уй-жойга муҳтож оилалар қанчадан-қанча бўлсаю, пишиқ ғиштдан қурилиб томи ёпилмай қолган бу бино йиллар қадар чалалигича ётса. Бино эгалари ёки оталиқ ташкилотлар шу ҳақда бир ўйлаб кўрсалар ёмон бўлмасди. Ахир қачонгача хайрли ниятда бошланган бу бино чалалигича, ҳеч кимга кераксиз ҳолатда, бекорга жойни эгаллаб ётади?!.

## Қаҳқаҳа

Хотинининг хархашаларидан безор бўлган Суқрот ахийри чидолмай, шундай деди:

— Жонгинам, тўйимиз олдидан «Сенинг қўлингдан бир қадаҳ заҳар ичишга ҳам тайёрман» деган эдим. Лекин бу қадаҳни ҳар куни уч марта нонушта, тушлик ва кечки овқатда сипқораман, деб сира ўйламагандим.

* * *

Европа бўйлаб ўтаётган гастроль сафарларидан бирида мухбирларни Шаляпиннинг хизматкорларидан бири кутиб олди-да:

— Фёдор Иванович ҳозир бандлар. Сизнинг барча саволларингизга мен жавоб бераман, — деди.

— Шаляпиннинг келгусидаги режалари қандай? — сўради бир мусиқа танқидчиси.

— Биз яқинда Миланга сафар қиламиз, «Ла Скала»да Мефистофелни ижро этамиз, сўнгра Лондонда қирол шарафига концерт берамиз, кейин...

Шу пайт қўшни хонадан Шаляпиннинг овози янгради.

— Жуда соз, Пётр. Аммо мени ҳам олиб кетишни унутма.

* * *

Машҳур италиян санъаткорлари Артуро Тосканини ҳамда Пьетро Масканьиларни Верди хотирасига бағишланган мусиқа фестивалига таклиф қилишди. Тосканини шуҳратига ҳасад қилувчи Пьетро Масканьи бир шарт билан бу таклифга рози бўлди.

— Гонорарим бир лира бўлса ҳам уникидан ортиқ бўлсин, — деди у.

Фестивални ўтказиш комитети унинг шартига рози бўлди. Қизиғи шундаки, ҳисоб-китоб вақтида қўлига бор-йўғи бир лира пул теккан Масканьи ҳайратдан ҳанг-манг бўлиб қолди.

Маълум бўлишича, Тосканини фестивалда бепул дирижёрлик қилган экан.

* * *

Таниқли рус композитори Александр Бородин хотини билан чет эл сафарига йўл олди. Чегарада паспорт текшираётган амалдор Бородиндан хотинининг исмини сўради. Хаёли фаромушлиги билан ном чиқарган Бородин хотинининг исмини эслай олмади. Худди шу пайт хонага рафиқаси Екатерина Сергеевна кириб қолди. Бородин унинг ёнига югуриб борди-да:

— Катя! Худо ҳаққи, исминг нима эди? Айтиб юбор! — деб хитоб қилди.

* * *

Бир оқшом Александр Бородин уйига дўстларини таклиф қилди. Меҳмонлар овқатланишди, куй чалишди, мириқиб суҳбатлашишди. Бир пайт Бородин сапчиб ўрнидан турдида, дўстлари билан хайрлаша бошлади.

— Йўл бўлсин, Александр Профирьевич? — сўради меҳмонлар ажабланиб.

— Хайр, яхши қолинглар, уйга боришим керак, эрталаб лекциям бор, — деди Бородин.

Ҳамма шарақлаб кулиб юборди. Шундагина мезбон ўз уйида эканлигини билиб қолди.

---

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР | ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР


# «TOSHKENT SHAHAR TELEFON TARMOG'I» ФИЛИАЛИ АБОНЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

*Ҳурматли «Ўзбектелеком» АК TSHTT филиали абонентлари!*

Собир Раҳимов телефон узели 48-АТСни рақамли электрон 398-ЭАТСга ўтказиш ишларини бошламоқда. Рақамларни босқичма-босқич алмаштириш муддатлари 2004 йил 26 октябрдан бошлаб 2004 йил 26 декабрга қадар давом этади. «48» телефон рақамининг дастлабки икки рақами «398»га алмаштирилади.

Рақамли электрон АТС қўшимча хизмат турларини кўрсатиш имкониятларига эга ва уларга телефон узелидан маркетинг бўлимига буюртма бериш мумкин.

Электрон АТС хизматларига ҳақ тўлаш 125-1/1 ва 125-1/7 прейскурантлари тарифларига мувофиқ амалга оширилади.

Аҳоли учун:

— ойлик абонент тўлови — 605 сўм;

— чиқувчи сўзлашувларнинг пул тўланмайдиган вақтининг белгиланган лимити бир ойга 180 дақиқани ташкил этади;

— кирувчи сўзлашувларга (ташқаридан қилинган қўнғироқларга) ҳақ тўланмайди;

— чиқувчи сўзлашувнинг ҳар бир тўла бўлмаган дақиқаси учун ойига белгиланган 180 дақиқадан ташқари вақтбай тўлов — 2 сўмни ташкил этади;

— шаҳарлараро ва халқаро алоқа учун ҳам ҳақ мавжуд тарифларга мувофиқ тўланади;

— қўшимча хизмат турларига ҳақ тарифлар бўйича тўланади, улар билан Сиз телефон узелининг маркетинг бўлимида танишишингиз мумкин.

Алоқа хизматларига таянган ҳолда, сиз ҳисоб-китобларнинг автоматлаштирилган тизимидан фойдаланасиз, очиқлик ва шаффофлик уларнинг бош хислатларидан ҳисобланади.

Телефон алоқаси хизматларига ҳақ кўрсатилган хизматдан кейин олдиндан аванс йўли билан ҳақ тўлаш орқали ҳам амалга оширилиши мумкин. Алоқа хизматлари кўрсатилганидан сўнг бевосита ҳақ тўлаш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

— жорий ой давомида абонент тўлови бўйича;

— келаси ойда маҳаллий, шаҳарлараро, халқаро сўзлашувлар учун вақтбай тўлов бўйича ҳисоб-китоблар тўлов ҳужжатларида кўрсатилганидек муддатларда — ойнинг 15 ва 30 кунларигача амалга оширилади.

Ўз вақтида тўловни тўламаганлик учун телефонларнинг хоҳишга зид равишда узиб қўйилмаслиги учун кўрсатилган хизматлар учун тўлов муддатларига эътибор билан қарашингизни сўраймиз.

Олдиндан аванс тўлови асосий ва қўшимча алоқа хизматлари учун амалга оширилади.

Олдиндан аванс тўлови тўланишида кўрсатилган телефон хизматлари учун ҳисоб-китоблар олдиндан тўлов воситалари ҳисобига қуйидаги тартибда амалга оширилади:

1. Телефон аппарати учун абонемент тўлови.

2. Ойига 180 дақиқа ҳажмида белгиланган бепул сўзлашувлар лимитидан ташқари ҳар тўла ёки тўла бўлмаган дақиқа учун вақтбай тўлов (тўловнинг вақтбай тизими бўйича).

3. Қўшимча хизмат турлари учун тўлов.

4. Махсус хизматлар узели хизматлари учун тўлов (маълумотлар):

09 — ташкилотлар телефонлари бўйича маълумотнома — 20 сўм;

009 — квартиралар телефонлари бўйича маълумотнома — 20 сўм;

001 — об-ҳаво тўғрисида маълумотнома — 15 сўм;

004 — аниқ вақт — 15 сўм;

Юқорида кўрсатилган хизматлар учун тарифлар оширилганида, ҳисоб-китобларнинг автоматлаштирилган тизими кўрсатилган хизматлар қийматини Сизнинг ҳисобингиздаги бўлган суммадан пул маблағларининг тугашига қадар эски тарифлар бўйича олиб ташлайди.

Пул маблағлари тугаши билан хизматлар учун тўлов янги тарифлар бўйича амалга оширилади.

Алоқа хизматлари учун тўловларнинг аванс тизими қулай ва манфаатлидир.

Ҳисоб-китобларнинг автоматлаштирилган тизими Сизнинг вақтингиз, пулингиз тежалиши ва алоқа корхонаси билан ўзаро муносабатингиз яхши бўлишини таъминлайди.

**Маълумотлар учун телефонлар:**

**Собир Раҳимов телефон узели СРТУ — 398-23-23**

**TSHTT филиалининг маркетинг ва тарифлар бўлими — 55-77-17**



# ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ!

## ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИЯТИ,

### Тошкент шаҳар Касаба уюшмалари қўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими

## ОШПАЗЛАР, ҚАНДОЛАТЧИЛАР ВА ОФИЦИАНТЛАР ТАНЛОВИНИ ЎТКАЗАДИ

Халқимизнинг энг яхши миллий анъаналарини қайта тиклаш, умумий овқатланиш корхоналари ходимларининг касб савиясини ошириш мақсадида Тошкент шаҳрида умумий овқатланиш соҳаси мутахассисларининг шаҳар танлови ўтказилади.

Танлов ғолиблари қимматбаҳо мукофотлар ва Республика кўрик-танловига қатнашишга йўлланма оладилар. Ғолиб деб топилган моҳир касб эгалари эса халқаро танловларда қатнашадилар.

Туман ва шаҳар танловлари ноябрь-декабрь ойларида, республика танлови эса март ойида ўтказилади.

Танловда иштирок этмоқчи бўлган мутахассислардан аризалар 2004 йил 13 ноябргача туманлар бошқармалари ва шаҳар Савдо департаментининг ташкилий қўмиталарида қабул қилинади (корхонанинг жойлашган манзили бўйича).

А.Икромов — 117-48-57, 74-16-71, 74-63-51

Бектемир — 195-16-29, 195-04-07

Мирobод — 54-95-02, 133-29-25

М.Улуғбек — 68-14-67, 67-19-34, 67-84-98

С.Раҳимов — 29-05-94, 46-61-76, 46-65-07

Сергели — 57-14-96, 57-39-93, 58-65-98

Чилонзор — 173-15-02

Ҳамза — 96-98-55, 96-12-61

Шайхонтоҳур — 148-14-64, 148-14-25

Юнусобод — 137-54-11, 134-51-60

Яккасарой — 54-79-38

Тошкент шаҳар Савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси Департаменти, 33-хона, тел.: 133-68-57, 133-21-23

Манзил: Мовароуннаҳр кўчаси, 6-уй,

Танлов шарти: танлов иштирокчиларининг ёшлари чегараланмаган. Танловда қатнашиш бепул.



«ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЦИРКИ» РЕСПУБЛИКА БИРЛАШМАСИ ТОШКЕНБОЙ ЭГАМБЕРДИЕВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИ

***2004 йил 25 декабрдан 2005 йил 9 январгача Болалар, Сизлар учун! Қишки таътил кунларида Қорбобо, Қорқиз ва эртакларнинг бошқа қаҳрамонлари иштирокида***



## «ЦИРКДА АРЧА»

**томошалари**



Томошалар: соат 10.00, 12.00, 14.00, 16.00 ва 18.00 да бошланади.

Жамоа бўлиб келиш учун буюртмалар қабул қилинади.

Чипталар цирк кассаларида сотилмоқда.

Ҳақ турли шаклда тўланади.

Касса эрталабки соат 9.00 дан ишлайди.

**Маълумотлар учун телефонлар:**

**144-35-91, 144-29-04, 144-32-23.**





**Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги**

**Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ**

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

***ТЕЛЕФОНЛАР:***
хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 136-57-65.
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
2812 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*

Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.**

Буюртма Г-1109. 1 2 3 4 6